

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ  
ФАРМОЙИШИ**



**КАРАҚАЛПАҚСТАН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МИНИСТРЛАР КЕҢЕСИНИНГ  
БИЙЛИГИ**

Нукус шаҳри Некис қаласы  
25-б  
№ \_\_\_\_\_ « 9 » \_\_\_\_\_ февраль 2018 й.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармони ҳақида» ги 87-ф сонли фармойиши ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармони ҳақида»ги 87-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармони ҳақида»ги 87-ф-сонли фармойиши ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда бу борада амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинганлиги;

б) Республика комиссиясининг :

Фармон ва фармон билан тасдиқланган Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар дастури деб аталади) назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан масъул бўлган вазирлик, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

фаолиятини мувофиқлаштириш, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

Фармон ва мазкур фармойишни жойларга чиққан ҳолда ижросини назорат қилиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни жойида бартараф этиш, ҳудудий ишчи гуруҳларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, моддий-техника базасини яхшилаш йўналиши бўйича хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини ташкил этиш, Хотин-қизлар кўмитасининг янгиланган тузилмасидан келиб чиқиб, янги ташкил этилаётган лавозимларга юқори малакали ва ташаббускор кадрларни жалб этиш, кўмига, «Онла» маркази ва уларнинг ҳудудий бўлимларини зарур бино ва жиҳозлар билан таъминлаш, маблағлар ажратилишини ташкил этиш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлашнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналиши бўйича—Фармон ва комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида иухта ва сифатли ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иштирокини янада ошириш йўналиши бўйича хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хунардманчиликка кенг жалб этиш, имтиёзли кредитлар ажратиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларнинг долзарб муаммоларни ҳал этишда ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорликни кучайтириш йўналиши бўйича- иқтидорли, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, огир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқилишини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олишда давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали фаолият олиб боришига қаратилган чораларни қўриш, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда ишлаш ҳамда жазони ижро этиш муасасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

оила институтини мустаҳкамлаш, оила кадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўналиши бўйича-оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясини ишлаб чиқиш, оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантириш.

замонавий намунали оила мезонларини яратиш, оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, оналик ва болаликни муҳофиза қилиш йўналиши бўйича – соғлом оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, соғлом турмуш тарзини юритиш, тиббий маданиятни шакллантириш борасида манзилли ишларни ташкил этиш юзасидан тизимли назоратни ўрнатиш;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила» маркази тизими идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш йўналиши бўйича- Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила» маркази, уларнинг ҳудудий бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, замон талабидан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, фаолиятини рағбатлантириш чоралари белгиланишини ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги;

в) қуйидагилар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, моддий-техника базасини яхшилаш бўйича 1-ишчи гуруҳ таркиби 2- иловага:

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича 2-ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага;

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иштирокини янада ошириш бўйича 3-ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага;

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг долзарб муаммоларни ҳал этишда ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорликни кучайтириш бўйича 4-ишчи гуруҳ таркиби 5-иловага;

Оила институтини мустаҳкамлаш оила кадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўйича 5- ишчи гуруҳ таркиби 6-иловага;

Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, оналик ва болаликни муҳофиза қилиш бўйича 6-ишчи гуруҳ таркиби 7-иловага;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила» маркази тизими идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича 7-ишчи гуруҳ таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

г) Фармон ва мазкур фармойишнинг бажарилишини ҳудудларга чиққан ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш, мавжуд муоммаларни аниқлаш ва жойида бартараф этиш, республика даражасида ҳал этиладиган масалалар юзасидан Республика комиссиясига таклифлар киритиш;

Республика комиссиясининг асосий вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашиш;

Фармонда ва Комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини тизимли таҳлил қилиш ва таҳлил асосида уларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш ҳамда юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал қилиш;

тегишли йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ногижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан назорат-режа 9-иловага;

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш бўйича назорат режа 10-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига назорат-режаларда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилганлиги;

Бунда: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликларига жорий йилнинг 15 февралига қадар:

Фармон ва мазкур фармойиш ижросини сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳудудий ишчи гуруҳларни тузиш;

Фармон ва Комплекс чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлашга қаратилган “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- вазирлик, идора ва ташкилотлар жорий йилнинг 15-февралига қадар коллегиал органлари мажлисларида Фармон ва мазкур фармойишдан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилиш ва амалга ошириладиган ишлар юзасидан “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- тасдиқланган “йўл хариталарини” жорий йилнинг 20 февралига қадар Республика комиссиясига тақдим этиш топширилганлиги;

ё) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси қотибиятига, Ҳуқуқий экспертиза.

халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси мутассаддик қиладиган тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Фармон ва мазкур фармойишда белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ҳамда Республика комиссиясига ҳар ойнинг 5-санасига қадар ахборот бериб бориш;

Фармон ижросини ташкил этиш ва назоратни амалга оширишда прокуратура органлари билан кундалик ҳамкорлик йўлга қўйиш топширилганлиги;

ж) Республика комиссиясига:

ҳар чоракда Фармон ва мазкур фармойишда белгиланган вазифаларни танқидий муҳокама қилиш ва мавжуд камчиликлар бўйича тегишли чораларни қўриши ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ахборот киритиб бориш;

киритилган ахборотни Бош прокуратура билан биргаликда таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда якуний ахборот ва зарур тақлифларни тайёрлаш;

тайёрланган якуний ахборот ва тақлифларни ҳар чоракдан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритиб бориш топширилганлиги;

з) Фармон ва Комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ва тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни тақдим этиб бориш, умумлаштириш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш ва уни амалга ошириш схемаси 11-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

и) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 20 февралига қадар Фармон ва мазкур фармойиш мазмун-моҳиятини ҳамда амалга оширилаётган ишларни оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва амалга оширилишини таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармони ҳақида» ги 87-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбир режаси 1-иловага мувофиқ;

-Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш юзасидан “йўл харита” 2-иловага мувофиқ;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

ПФ-5325-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда бу борада амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Худудий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

- Худудий Республика комиссияси:

ҳар чоракда Фармон ва мазкур фармойишда белгиланган вазифаларни танқидий муҳокама қилиш ва мавжуд камчиликлар бўйича тегишли чораларни кўриши ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ахборот киритиб боришни таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ташкилий гузилмасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, моддий-техника базасини яхшилаш бўйича 1-ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага;

-Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича 2-ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага;

-Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иштирокини янада ошириш бўйича 3-ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага;

-Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш; уларнинг долзарб муаммоларни ҳал этишда ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорликни кучайтириш бўйича 4-ишчи гуруҳ таркиби 5-иловага;

-Оила институтини мустаҳкамлаш оила кадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўйича 5- ишчи гуруҳ таркиби 6-иловага;

-Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича 6-ишчи гуруҳ таркиби 7-иловага;

- Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила» марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси тизими идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича 7-ишчи гуруҳ таркиби 8-иловага мувофиқ мувофиқ тасдиқлансин.

6. Куйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мазкур фармойишнинг бажарилишини туман (шаҳар)ларга чиққан ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш, мавжуд муоммаларни аниқлаш ва жойида бартараф этиш. республика даражасида ҳал этиладиган масалалар юзасидан Республика комиссиясига таклифлар киритиш;

Республика комиссиясининг асосий вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Фармойишда ва Комплексе чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлашга қаратилган “Йўл хариталари”да белгиланган тадбирларнинг амалга

оширилишини тизимли таҳлил қилиш ва таҳлил асосида уларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш ҳамда юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал қилиш;

тегишли йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - Хотин-қизлар қўмитаси Раиси (З.Ибрагимова), Вазирлар Кенгашининг Хотин-қизлар қўмитаси қотибияти (Г.Аймбетова) тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

тасдиқланган “йўл харитасини” жорий йилнинг 20 февралига қадар Республика комиссиясига тақдим этилишини таъминласин.

Мазкур фармойишда белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида бажарилишини назорат қилсин ҳамда Республика комиссиясига ҳар ойнинг 5-санасига қадар ахборот бериб борсин.

Фармойиш ижросини ташкил этиш ва назоратни амалга оширишда прокуратура органлари билан қундалик ҳамкорлик йўлга қўйилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - Хотин-қизлар қўмитаси Раиси (З.Ибрагимова), Адлия вазири (Ж.Садиқов), Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси билан биргаликда мазкур фармойишда белгиланган вазифаларни комплекс таркибига кирувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан бажарилишини ташкилий муҳокама қилиш ҳамда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун зарур чораларни белгиласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси (Қ.Нағметов), Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги (А.Бекмуратов), Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот агентлиги (Е.Қанаатов) мазкур фармойиш мазмун-моҳиятини ҳамда амалга оширилаётган ишларни оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилиши тавсия этилсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари-Хотин-қизлар қўмитаси Раиси З.Ибрагимова зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Вазирлар Кенгашининг Раиси**

**Қ.Сариев**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
 “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан  
 такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармони тўғрисида» ги  
 87-ф сонли фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан

**ЧОРА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/Р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Ижро учун маъсуллар
1	Қорақалпоғистон Республикаси, шаҳар ва туманлар Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида юқори савияда ташкил этиш.	<p>Амалга ошириш механизми</p> <p>-Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат иқтисомий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаолиятини ошириш;</p> <p>-хотин-қизларнинг муаммоларини ўч вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир иқтисомий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга иқтисомий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;</p> <p>- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шартларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;</p>	Донмий	Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси (З.Ибрагимова), Ўзбекистон Савдо-саноатпалатаси ҚР бошқармаси (Р.Зарикеев) , Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), ҚР Бандлик ва меҳнат мунособатлари вазирлиги (У.Сабуров), “Тадбиркор аёллар” уюшмаси (Н.Елибаева), шаҳар ва туман ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар